

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА РЕФЛЕКСИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Халиков Аъзам Абдусаломович

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика  
фанлари доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7454785>

**Аннотация.** Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасига ва педагогик маҳоратларини ривожлантиришига нисбатан талаблар йилдан йилга ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда аввал ўзлаштирилган педагогик маҳорат намуналари ва услубларини шунчаки ишга солиш эмас, балки янги ва ижодий ёндашувлар асосида ишлаб чиқиб, сўнгра ўзининг касбий ва шахсий фазилатларини мунтазам ривожлантириш талаб қилинмоқда.

**Калит сўзлар:** ўқитувчи, касбий компетентлик, ривожланиш, педагогик маҳорат.

## ФОРМИРОВАНИЕ РЕФЛЕКСИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ

**Аннотация.** Требования к уровню профессиональной подготовки и развитию педагогического мастерства будущих учителей с каждым годом возрастают. В настоящее время требуется не только использовать ранее приобретенные педагогические навыки и методы, но и разрабатывать новые и творческие подходы, а затем регулярно развивать свои профессиональные и личностные качества.

**Ключевые слова:** педагог, профессиональная компетентность, развитие, педагогическое мастерство.

## FORMATION OF REFLEXIVE COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS

**Abstract.** Requirements for the level of professional training and development of pedagogical skills of future teachers are increasing every year. At present, it is required not only to use previously acquired pedagogical skills and methods, but also to develop new and creative approaches, and then regularly develop their professional and personal qualities.

**Keywords:** teacher, professional competence, development, pedagogical skill.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасига ва педагогик маҳоратларини ривожлантиришига нисбатан талаблар йилдан йилга ортиб бормоқда. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати унинг компетентлигида (competens лот. – мутаносиб, қобил) намоён бўлиб, бу унга ўз индивидуал фаолиятини самарали амалга ошириш имкониятини беради. Ҳозирги пайтда аввал ўзлаштирилган педагогик маҳорат намуналари ва услубларини шунчаки ишга солиш эмас, балки янги ва ижодий ёндашувлар асосида ишлаб чиқиб, сўнгра ўзининг касбий ва шахсий фазилатларини мунтазам ривожлантириш талаб қилинмоқда. Рефлексив компетентлик шакллантириш – бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва педагогик тажрибасини оширишда зарурий шартлардан биридир. Рефлексив компетентлик педагогика доирасида нисбатан янги тушунча бўлиб, мураккаб тузилмани ўзида акс эттиради, чунки субъект рефлексиянинг юқорида санаб ўтилган турларига мутаносиб турли асослар бўйича рефлексияни қўллаши мумкин. Рефлексив компетентлик – бўлажак ўқитувчиларнинг рефлексив жараёнларни янада самарали ва мувофиқ тарзда амалга оширишига имконият берувчи касбий фазилатлари бўлиб, педагогик маҳоратни ривожлантириш ва мустақил ривожланиш

жараёнларини таъминлайди, касбий фаолиятига ижодий ёндашиш, унда юқори самарадорлик ва натижага эришиш имкониятини беради.

Замонавий ўқитувчини тайёрлаш, педагогик фаолиятининг тизимли ва ижтимоий хусусиятларида рефлексив компетентликни шакллантириш зарурияти пайдо бўлмоқда, унинг асосида мамлакатимизда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш орқали юксак маънавиятли ва билимли, етук, баркамол, жисмонан соғлом шахсни вояга етказиш вазифаси турибди. Рефлексив компетентлик касбга оид вазиятларга тўлиқ киришиш ва “мослашиш”, муаммоли масалаларни ҳал этиш, бўлажак ўқитувчиларни янгича фикрлаш фаолиятига жалб қилиш учун шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Ҳозирги вақтда педагогика ва психология фанларида рефлексия фаол ўрганилмоқда. Уни ривожлантиришни касбий фазилатларни шакллантиришнинг дастлабки даврлариданок бошлаш зарур, чунки бошқа барча фазилатларга нисбатан рефлексивлик мувофиқлаштирувчи ва интеграцияловчи асос сифатида намоён бўлади. Унинг шаклланганлик даражаси бўлажак ўқитувчи педагогик фаолиятини самарали амалга ошириш учун ўзидаги бошқа барча фазилатларни мувофиқлаштириш ва интеграциялашга қанчалик лаёқатли эканлигида ўз ифодасини топади.

Бўлажак ўқитувчиларга педагогик рефлексия ва рефлексив кўникмалар бўйича билимларга эга бўлиш етарли эмас. Педагогик фаолият учун хос бўлмаган масалаларни самарали ҳал этишга имкон берувчи оралик сифатида айнан рефлексив компетентлик зарур.

Рефлексив компетентлик – бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал, коммуникатив ва шахсий хусусиятларининг ўзаро муносабатлашуви, ўзаро уйғунлашуви сифатида намоён бўлувчи ҳамда мураккаб тизимли ташкилий тузилмага эга интегротив хусусият бўлиб, уларнинг шаклланганлик даражаси бўлажак ўқитувчининг педагогик фаолиятни самарали амалга оширишга тайёргарлигини ўзида акс эттиради.

Ушбу ғоялар эътиборга молик бўлиб, унинг моҳияти шундан иборатки, таълим олувчилар фаолиятининг турли кўринишларини интеграциялаш ҳисобига бўлажак ўқитувчиларда рефлексив компетентликни ривожлантириш ташкилий-педагогик шартларга риоя этилган ҳолда кечиши лозим:

1) таълим жараёнида ижтимоий-касбий жиҳатдан ўз ўрнини белгилаб олиш учун имкониятлар яратиш, яъни, индивидуал таълим тизимини (алоҳида модуларни ўрганиш ва кетма-кетлик тартиби, асосий ва қўшимча компетенциялар мажмуини аниқлаш, тайёргарлик дастурларида назарда тутилган хилма-хил фаолият турларини ўзлаштириш) лойиҳалаштириш;

2) олий таълим муассасаларида мутахассис тайёрлаш жараёнида ижтимоий ҳамкорлик сифатида намоён бўлувчи ташкилот ва муассасалар (коллежлар, лицейлар, мактаблар) тармоғида амалга ошириладиган ресурсли интеграцияни рўёбга чиқариш. Бу таълимни ташкил этиш ва талабалар амалиётларини ўтказиш учун моддий-техник, ахборот ва кадрлар ресурсларидан биргаликда фойдаланишни тақозо этади;

3) таълим жараёнининг ривожлантирувчи таркибий қисмларини кучайтириш (талабалар ўз ўрнини топиб олишида уларни педагогик-психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, индивидуал таълим тизимларини шакллантиришда консултатив кўмак бериш.

Умуман рефлексив компетентликни шакллантириш учун рефлексиянинг психологик детерминантлари ҳамда ташқи ва ички муҳитда унинг намоён бўлишини стимулловчи хусусиятлари ҳақида интегратив билимлар мавжуд бўлиши зарур.

Педагогик фаолиятда рефлексив компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида муайян шарт-шароитларга риоя этиш талаб қилинади. Аввало:

✓ рефлексия ҳақида билимларнинг мавжудлиги, уни долзарблаштириш элементларидан фойдаланиш, ташқи омилларга муносабат;

✓ ўқув жараёнида (ўқув фанлари, тадқиқотчилик фаолияти, педагогик амалиёт доирасида) шахсий рефлексив тажрибага эга бўлиш;

✓ бўлажак ўқитувчиларда ўзини мунтазам таҳлил қилиш, ўзлигини англаш ва камол топтириш, ўзини ва бошқаларни тушунишга эҳтиёжни узлуксиз ривожлантириб бориш;

✓ таълим жараёнида таълим методлари интеграциясига амал қилиш.

Рефлексив компетентликни шакллантиришда ички омиллар муҳим ўрин тутади. Инсон тафаккури маҳсулдорлигининг энг муҳим шarti унинг шахсга йўналтирилганлиги, интилишлари, мотивлари, мақсадлари, қадриятларга муносабати, индивидуал-психологик ва когнитив усулга хос хусусиятлари ҳисобланади.

Педагогик фаолиятда юзага келувчи муаммоли вазиятларда мақбул йўл тута олиш рефлексив компетентлик етарли даражада ривожланган бўлишини тақозо қилади. Бунда англаш, қайта англаш ва ўзгартириш каби рефлексив механизмлар муҳим функцияни бажаради. Муаммоли вазиятларда конструктив, ижодий фикрлаш рефлексияни интеллектуал ва шахсий даражада ўзлаштириш ҳисобига шакллантирилади. Рефлексив компетентлик шахс ва вазиятнинг ўзаро таъсирлашуви унумли ва уйғун кечишини таъминлашга имкон берган ҳолда таранг вазиятни ижодий англаш ҳамда енгиб ўтиш ҳисобига фаолият субъектининг эҳтимолий хатти-ҳаракатлар доирасини кенгайтиради.

Қайд этиш жоизки, ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларнинг касбга тайёрлаш тизимида бўлажак ўқитувчиларда рефлексив компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш тажрибаси етарлича кенг тарқалмаган. Шунга қарамасдан амалий тажрибани аналитик тушунишга асосланувчи махсус ташкил қилинган таълим шароитлари рефлексив компетентликни шакллантиришнинг ажралмас омилига айланмоқда.

Рефлексив компетентликни шакллантиришда бир нечта таълим шаклини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- масалали ёндашувни қўллаш;
- ўхшаш муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш;
- интерактив таълим методларидан фойдаланиш;
- педагогик вазиятларни моделлаштириш;
- таълим жараёнида кейслар тузиш.

Маълумки, компетентлик ҳамиша фаолиятда намоён бўлади. Намойиш қилинмаган компетентликни “кўриш” мумкин эмас. Бунда компетентлик намоён бўлган контекстни ҳар доим кўриб чиқиш муҳим саналади. Компетентлик инсонга хос қадриятлар билан ўзаро чамбарчас уйғунликда, яъни, мазкур фаолият турига катта шахсий қизиқиш шароитида намоён бўлиши мумкин.

Касбий тайёргарлик мазмунини лойиҳалаштиришда компетентликка йўналтирилган ёндашув мантиғида мазмунни шакллантириш бирлиги касбий вазифа ҳисобланади. Касбий

вазифалар мажмуи касбий тайёргарлик мазмуни “ўзаги”ни ташкил қилади, рефлексив компетентликни шакллантириш вазифалари эса мазмунни “амалга ошириш” мантиғини белгилаб беради (А.А.Бизяева [46]).

Рефлексив компетентликни ривожлантирувчи воситалар педагогик фаолиятга ижодий муносабатни рағбатлантиради. Ҳар бир восита муайян кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган. Воситалар мажмуини қуйидагича ажратиш мумкин:

1. Ундовчи (мотивацион) воситалар бўлажак ўқитувчиларда рефлексив компетентликка эришиш, педагогик фаолиятга барқарор қизиқишни шакллантириш, масалалар ечиш жараёнида ундовчи (мотивацион) муҳитни вужудга келтириш мотивларини шакллантиришга йўналтирилган.

2. Дискуссив-педагогик воситалар, мулоқот маданияти ва диалогик мулоқот кўникмасини ривожлантириш, индивидуал фаолият услубини шакллантириш, билимларни эгаллаш ҳамда мустаҳкамлашга имконият яратади.

3. Ижодий воситалар, рефлексив компетентлик ва унинг таркибий қисмларига хос хусусиятларни тушуниш, муайян вазият контекстида ўз ҳатти-ҳаракатларини рефлексив компетентлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, уларга келгусида тузатишлар киритиш, назарий билимларни бойитиш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган.

4. Гностик-эвристик воситалар, танқидий фикрлашни, мажмуавий рефлексив вазиятлардан мантиқ ва ички сезгига таянган ҳолда чиқиш кўникмасини ривожлантиради.

Ушбу воситаларда келтирилган вазиятлар таҳлили бўлажак ўқитувчиларда ўзини ўқитувчи ўрнига қўйиш, рефлексив компетентлик нуқтаи назаридан педагогик мақсадга мувофиқ ечимларни топиш бўйича муайян тажриба орттиришга имконият беради, бу эса келгусида чинакам шундай вазиятларда тезкор ва асосли равишда йўл тутишга кўмаклашади. Вазиятли воситалар назария билан амалиётни боғловчи бўғин ҳисобланади.

## REFERENCES

1. Шедровицкий Г.П. Коммуникация, деятельность, рефлексия //Исследование речемыслительной деятельности.–Алма-Ата, 1974.– С.12-28.
2. Метаева В.А. Рефлексия и её роль в преодолении профессиональных затруднений педагога: Дис. канд. пед. наук – Екатеринбург, 1996.- 207 с.
3. Бизяева А.А. Рефлексивные процессы в сознании и деятельности учителя: Дисс. канд. психол. наук.– Санкт–Пб., 1993.–190 с.